

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Тошкент ш. – г. Ташкент

21 февраль 2018 й.г. № 133

**Ўзбекистон-Тожикистон Давлат чегараси орқали айрим ўтказиш  
пунктларининг фаолиятини қайта тиклаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони ижросини таъминлаш, Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан ҳамжиҳатлик ва амалий ҳамкорликни, минтақа давлатлари ўртасида ўзаро ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, шунингдек, Ўзбекистон-Тожикистон Давлат чегарасини кесиб ўтишда қулай шароитлар ҳамда ўтказиш пунктларининг узлуксиз ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга Самарқанд вилоятидаги “Жартепа”, Жиззах вилоятидаги “Қушкент”, “Учтурган”, Сирдарё вилоятидаги “Ховостобод”, Тошкент вилоятидаги “Бекобод”, Наманган вилоятидаги “Поп”, Фарғона вилоятидаги “Равот”, Сурхондарё вилоятидаги “Гулбахор” автомобиль йўллари ўтказиш пунктлари ҳамда “Амузанг” темир йўл ўтказиш пунктининг (кейинги ўринларда ўтказиш пунктлари деб аталади) муҳандислик-коммуникация ва йўлбўйи инфратузилмасини, шунингдек, Самарқанд вилояти Ургут туманидаги Жартепа аҳоли пункти худудидаги чегара постини ташкил этиш ва янада ривожлантириш учун зарур ер участкалари ажратсинлар;

ўтказиш пунктларига туташ автомобиль йўллари бўйида замонавий стандартларга мос йўлбўйи инфратузилмасини ташкил этиш тадбирларини ўтказсинлар, шунингдек, фуқаролар учун зарур ижтимоий-маиший шароитлар яратсинлар;

вазирликлар ва идораларга жойларда уларнинг фаолият йўналишлари бўйича ишларни ташкил этиш учун зарур хизмат-маиший шароитлар яратишда қўмаклашсинлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (кейинги ўринларда давлат назорати органлари деб аталади), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ўз маблағлари ҳисобига ўтказиш пунктларининг фаолиятини ташкил этиш учун биринчи навбатдаги зарур шароитлар яратсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси:

Самарқанд вилояти Ургут туманидаги Жартепа аҳоли пункти ҳудудидаги чегара постининг бинолари, иншоотлари ва унга туташ ҳудудларни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига бир ҳафта муддатда оператив бошқариш ҳуқуқи билан бепул асосда белгиланган тартибда берсин;

2019-2020 йилларда янги жойда жойлаштириладиган чегара постининг инфратузилмаси ҳар йили ажратиладиган капитал қўйилмалар лимитлари ҳисобидан қурилишини ташкил этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўтказиш пунктлари орқали шахслар ҳамда транспорт воситаларининг ҳаракатланишини ўргансин ҳамда 2018 йил якунлари бўйича ўтказиш пунктларининг тегишли муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ташкил этиш мақсадида бажарилган лойиҳа-қидирув ва қурилиш ишлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

5. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ 2018 йил 1 мартгача Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида “Ғалаба– Хошадий” темир йўл участкаси (кейинги ўринларда темир йўл участкаси деб аталади) реконструкция қилинишини таъминласин ва ўтказиш пунктида давлати назорат органларининг фаолият йўналишлари бўйича ишларини ташкил этиш учун биринчи навбатдаги зарур хизмат–маиший шароитлар яратсин.

Лойиҳа ҳужжати тасдиқлангунгача, истисно тариқасида, темир йўл участкасини лойиҳалаштириш билан бир пайтда реконструкция қилишга рухсат этилсин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида “Ғалаба – Хошадий” темир йўл участкасини реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш доирасида:

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ – буюртмачи;

“Боштранслоиҳа” АЖ – бош лойиҳалаш ташкилоти;

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибий бўлинмалари – бош пудрат ташкилотлари;

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар - молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вазирликлар ва идораларнинг асосланган ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2018 йил учун тасдиқланган параметрлари доирасида ўтказиш пунктлари фаолиятини ташкил этиш мақсадида ускуналар, техник назорат воситалари ва жиҳозлар (шу жумладан эҳтиёт қисмлар, бутловчи ва сарфлаш материаллари) харид қилиш учун бюджетдан мақсадли маблағлар ажратишни назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси, Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йилда ва кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) шакллантиришда уларга марказлаштирилган инвестициялардан ажратиладиган лимитлар доирасида ҳамда асосланган ҳисоб-китоблар асосида ўтказиш пунктларининг янги муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ташкил этиш ва ривожлантириш лойиҳалари белгиланган тартибда киритишни назарда тутсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзбектелеком” АК ўтказиш пунктларини юқори тезликда ишлайдиган алоқа каналлари билан белгиланган тартибда таъминласин.

Лойиҳа ҳужжатлари тасдиқлангунгача, истисно тариқасида, телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаштириш билан бир пайтда куришга рухсат этилсин.

Ўтказиш пунктларига маълумотларни узатиш тармоғининг юқори тезликда ишлайдиган каналларини таъминлаш учун телекоммуникация тармоқларини куриш ишларини амалга ошириш доирасида:

“Ўзбектелеком” АК – буюртмачи;

“Алоқалойиҳа” давлат унитар корхонаси – бош лойиҳалаш ташкилоти;

“Ўзбектелеком” АК – бош пудрат ташкилоти;

“Ўзбектелеком” АКнинг ўз маблағлари - молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ўтказиш пунктларини ўрганиш ва уларни Дастурга киритишга доир таклифлар тақдим этиш натижалари бўйича ташкил этилаётган ўтказиш пунктларининг сув таъминоти юзасидан техник шартлар берсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кўмитаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси билан биргаликда Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси кўмагида Ўзбекистон-Тожикистон Давлат чегараси линиясигача ўтказиш пунктларига олиб борадиган автомобиль йўллари қайта тикланиши ва капитал таъмирланишини, ўтказиш

пунктлари яқинида, шу жумладан ўтказиш пунктлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси ўртасида жойлашган ҳудудларда зарур йўлбўйи инфратузилмаси (панелли-тўрсимон тўсиқ, ажратувчи бетонли тўсиқ, ёритиш, йўл белги ва ишоралари) ташкил этилишини таъминласин.

Лойиҳа ҳужжати тасдиқлангунгача, истисно тариқасида, ўтказиш пунктларига олиб борадиган автомобиль йўллари участкаларини лойиҳалаштириш билан пайтда қайта тиклаш ва капитал таъмирлаш ишларини амалга оширишга рухсат этилсин.

Ўтказиш пунктларига олиб борадиган автомобиль йўллари участкаларини қайта тиклаш ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш доирасида:

“Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” давлат унитар корхонаси – буюртмачи;

“Йўл лойиҳа бюроси” масъулияти чекланган жамияти – бош лойиҳалаш ташкилоти;

Автомобиль йўллари давлат кўмитасининг идоравий мансуб ташкилотлари – бош пудрат ташкилотлари;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари - молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

11. Ўтказиш пунктларига олиб борадиган темир йўл линиялари, автомобиль йўллари ва телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича буюртмачилар бош лойиҳалаш ташкилотлари билан биргаликда лойиҳа ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши, экспертизадан ўтказиш бўйича ваколатли органларда кўриб чиқилиши ва келишилиши, белгиланган тартибда тасдиқлашга тақдим этилишини таъминласинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси барпо этилаётган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари давлат экспертизасидан ўтказилишини ҳамда амалга ошириладиган қурилиш-монтаж ишларининг сифати, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини таъминласин.

13. “Ўзбекэнерго” АЖ ва “Ўзбекнефтгаз” АЖ ўтказиш пунктларига электр энергияси ва табиий газ узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш тадбирларини ўтказсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси, Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Ўзбектелеком” АКга ушбу қарорни амалга ошириш доирасида, истисно тариқасида тендер (танлов) савдоларини ўтказмасдан, энг яхши таклифларни танлаш асосида ёки тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ишлаб чиқарувчи заводлар ёхуд уларнинг расмий дилерлари (дистрибьюторлари) билан ускуналар, материаллар, техник назорат воситалари ва жиҳозлар (шу жумладан эҳтиёт қисмлар, бутловчи ва сарфлаш материаллари) етказиб бериш бўйича контрактлар (шартномалар) тузишга рухсат этилсин.

15. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов, Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б.Азимов, ва Миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари – Чегара қўшинлари қўмондони О.М.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов